ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

«АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ»

мавзусини мустақил ўрганиш бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

5230900-“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”
5230600-“Молия”
5230700-“Банк иши”
таълим йўналишлари талабаларига мўлжалланган

Самарқанд - 2014

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

«АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ»

мавзусини мустақил ўрганиш бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

5230900-"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит"
5230600-"Молия"
5230700-"Банк иши"
таълим йўналишлари талабаларига мўлжалланган



САМАРҚАНД – 2014

65.9(2)26
М916

Ҳ.Н. Мусаев. Аудиторлик текширувининг якуний босқичи. Талабаларнинг мустақил ишлари учун услубий кўрсатмалар. – Самарқанд, СамИСИ, 2014, 30 - б.

Мазкур услубий иш "Аудит назарияси " ва «Аудит» фанларининг ишчи ўқув дастурларига асосан тайёрланган бўлиб мавзуни талабалар томонидан мустақил равишда чуқур ўрганишга қаратилган. Ишда мустақил ишларнинг мазмуни, аҳамияти ва уларни бажариш тартиби келтирилган. Аудиторлик текширувларининг якуний босқичи мазмуни, аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасини тузишнинг услубий жиҳатлари кенг ўрин олган.

Услубий кўрсатмалар 5230900 -"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", 5230600 - "Молия" ва 5230700 -"Банк иши" таълим йўналишлари талабларига мўлжалланган бўлиб ундан бошқа йўналишлардаги талабалар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Услубий ишни тайёрлашда меъёрий ҳужжатлар ва олдин чоп этилган ишлардан фойдаланилди.

ТАҚРИЗЧИЛАР: М.Холмурзаев - и.ф.н., доцент (СамҚХИ)
Д.Р.Рофеев - и.ф.н., доцент (СамИСИ)

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг 2014 йил 19 майдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган (11-сонли баённома).

Институт ўқув – услубий кенгашининг 2014 йил 24 майдаги йиғилиши қарори билан чоп этишга тавсия этилган (11-сонли баённома).

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ҳ.Н. Мусаев

"Аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текширувининг борили, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал .... ҳужжат".

Ўзбекистон Республикасиниг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунидан

КИРИШ

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш сиёсати ишлаб чиқилган ва унинг ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", Давлат таълим стандартлари шулар жумласидандир. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари мутахассис – кадрлар олдига янгича талаблар қўймоқда. Эндиликда, янги шароитга мос келадиган малакали иқтисодчилар, бухгалтерлар, молия ва банк ходимлари бозор қонуниятларини мукаммал билишлари ва корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашлари керак. Корхона мулкини сақлашда, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишда, давлат бюджети даромадларини кўпайтиришда молиячилар, солиқ органларининг ходимлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Корхона тасарруфидаги барча маблағлар тўғри шаклланган ва қабул қилинган қонун – қоидаларга мос равишда фойдаланган бўлиши керак. Ушбу вазифаларнинг тўлақонли амалга оширилиши корхона бухгалтерларига, даҳлсиз аудиторларга ва молия органларининг ходимларига бевосита боғлиқдир. Жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини камайтириш, миллий иқтисодиётнинг изчил ўсишини таъминлаш барча мулкдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятлари ва соҳа мутахассисларининг касбий маҳоратига бевосита боғлиқдир.

Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 5230900 -"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", 5230600 -"Молия" ва 5230700 -"Банк иши" таълим йўналишлари талабаларининг ўқув режасида «Аудит назарияси» ва «Аудит» фанларини

SAMARQAND IQTISODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ўрганиш кўзда тутилган. Мазкур фанлар замонавий таълим технологиялари асосида маърузалар, амалий машғулотлар ва талабаларнинг мустақил ишлари шаклида ташкил қилинади. «Аудит назарияси» ва «Аудит» фанларининг таълим технологиялари таркибида талабаларнинг мустақил ишлари масалалари алоҳида ўрин тутади. «Мустақил иш муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисми бўлиб, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиторияда ёки аудиториядан ташқарида бажарилади»[1]. Талаба мустақил иш орқали ўзининг касбий маҳоратини оширади ва амалиётдаги фаолиятга мослашади. «Аудит назарияси» ва "Аудит" фанлари 5230900 -"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", 5230600 - "Молия" ва 5230700 -"Банк иши" таълим йўналишлари ўқув режалари асосида ўтказилади. Мазкур фанларга ажратилган соатлар таркибида «Аудиторлик текширувининг якуний босқичи» мавзуси алоҳида ўрин тутади. Шуни ҳам эътироф этиш керакки махсус адабиётларда фақат ташқи аудитнинг якуний босқичи умумий мазмунда ифодаланган, холос. Аудиторлик текширувларини умумлаштириш, ички аудит натижаларини расмийлаштириш тартиби тўлиқ ёритилмаган. Ушбу бўшлиғни тўлдириш мақсадида мазкур услубий иш тайёрланди. Ишда ички ва ташқи аудит натижаларини умумлаштириш, аудиторлик ҳисоботлари ва ҳулосаларини тузишни ўрганишга қаратилган услубий кўрсатмалар берилди. Натижада талабаларни ушбу мавзуни мустақил равишда ўрганишлари енгил кечади ва касбий маҳоратларининг шаклланиши яхшиланади.

Услубий кўрсатмалар 5230900 -"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", 5230600 -"Молия" ва 5230700 -"Банк иши" таълим йўналишлари талабаларига мўлжалланган бўлиб ундан бошқа таълим йўналишлари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин. Услубий кўрсатмаларни тайёрлашда олий таълим соҳасига оид меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлардан ва муаллифнинг ушбу масала бўйича олдин чоп этилган ишларидан фойдаланилди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЎМТВ Вазъати томонидан 2009 йил 21 февралдаги 2/7 – сонли Қарори билан тасдиқланган «Фаннинг ўқув – методик мажмуаси таркиби». – Т.: ЎзР. Олий ва ЎМТВ, 2009. 226.

I. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Фанларни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш жараёнида айрим масалалар талабалар томонидан мустақил равишда ўрганилади. Қўйилаётган мавзу ёки саволнинг мазмуни ўрганилаётган фан, маърузаларнинг максад ва вазифаларидан келиб чиқади. Талабаларнинг мустақил ишлари меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар, йўриқномаларни чуқур ўрганиш, назарий ва амалий машғулотларнинг айрим топшириқларини бажаришга қаратилган бўлади. Мустақил иш мазмуни алоҳида фан хусусиятидан келиб чиқади. Мисол учун, аудиторияда бажарилган ҳисоблаш ишларнинг маълум қисмини мустақил равишда бажариш, даромадлар, харажатлар ва фойда кўрсаткичларини мустақил равишда аниқлаш, чизмалар, жадвалларнинг шаклларини мустақил тайёрлаш, ҳисоботлардаги кўрсаткичларни мустақил таҳлил қилиш, алоҳида мавзу ёки савол бўйича илмий ахборот (реферат)лар тайёрлаш ва бошқалар.

Талаба мустақил ишининг аҳамияти шундаки, назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган масалалар меъёрий ҳужжатлар ва бошқа қўшимча манбалар орқали чуқур ўрганилади, натижада талабалар мазкур фандан тўлиқ билимга эга бўладилар ва бўлғуси мутахассиснинг касбий маҳорати шаклланиб боради.

Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари ва вазифалари қуйидагилардан иборат[2]:

Мустақил ишларнинг турлари ва шакллари:

- *такрорлаш ва машқ қилиш – мавзу материалларини такрор-такрор ўқиб чиқиш, таҳлил қилиш, берилган топшириқларни (кейслар, масалалар, ҳўжалик ситуацияларини) мустақил ечиш ва қайта ишлаш, олинган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, амалий кўникма ҳосил қилиш ва маълум тажрибани (малакани) шакллантириш;*

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЎМТВ нинг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида намунавий Низом», 2005 йил 21 февраль.

• янги билимларни мустақил ўзлаштириш – мавзу бўйича янги материалларни излаб топиш, конспектлаштириш, мустақил фикрларни шакллантириш;

• ижодий характердаги ишлар – мавзуга оид мунозарали жиҳатларни излаб топиш, улар бўйича олимлар фикрларини ўрганиш ва конспектлаштириш, талабалар илмий тўгарагида (анжуманида) чиқиш қилиш учун янгича фикр, ғоя ва усулларни ўзида мужассамлаштирган илмий реферат, мақола, маъруза матни тайёрлаш.

Мустақил ишларга қўйилган вазифалар:

- фан мавзулари бўйича билимларни талаба томонидан мустақил равишда ўрганиш;

- қўшимча маълумотларни топишнинг қулай усул ва воситаларини аниқлаш;

- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;

- илмий ва ўқув адабиётлар билан мустақил равишда ишлашга ўрганиш;

- меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар устида ишлаш;

- олинган маълумотларни таҳлил қилиш;

- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш;

- янги ғояларни асослаш ва ҳимоя қилиш;

- электрон маълумотлардан самарали фойдалана олиш;

- тадқиқот натижалари бўйича илмий маърузалар қилиш ва ўз тавсияларини асослаш;

- ижод натижаларини амалиётга тадбиқ этиш.

Меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётларда талабаларнинг мустақил ишлари шакллари ва турлари қуйидагича ифодаланган[3]:

• назарий масалаларни илмий манбалар ва махсус адабиётлардан мустақил равишда ўрганиш ва ўзлаштириш;

---

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЎМТВ нинг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида намунавий Низом», 2005 йил 21 февраль.

• семинар ва амалий машғулотларга мустақил равишда тайёргарлик кўриш;

• фан мавзуларининг долзарб масалаларида илмий ахборот (реферат)лар ёки илмий мақолалар тайёрлаш;

• мавзуларнинг саволлари бўйича ёзма жавоблар тайёрлаш;

• корхоналарнинг маълумотларини таҳлил қилиш;

• меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларнинг (қонунлар, қарорлар, йўриқномалар) мазмунини чуқур ўрганиш;

• курс ишларини бажариш;

• амалиёт бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;

• битирув малакавий ишини бажариш.

5230900 -"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", 5230600 -"Молия" ва 5230700 - "Банк иши" таълим йўналишлари талабалари "Аудит назарияси" ва «Аудит» фанларидан меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини мустақил равишда чуқур ўрганадилар, фанларнинг мавзулари бўйича ахборот (реферат)ларни тайёрлайдилар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўрадилар. Ушбу жараёнда қонунлар, қарорлар, маърузалар ва тарқатма материалларнинг мазмунидан кенг фойдаланилади.

II. "АУДИТ НАЗАРИЯСИ" ВА «АУДИТ» ФАНЛАРИ МАВЗУЛАРИНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Талабаларнинг мустақил ишлари, уларга ажратилган вақт таълим йўналишининг намунавий ва ишчи ўқув режалари ҳамда фан дастурида ифодаланган бўлади. Ишчи ўқув дастурида ҳар бир мавзу бўйича мустақил ўрганишга мўлжалланган саволлар, уларни ўзлаштириш тартиби батафсил келтирилади. Талабалар "Аудит назарияси" ва «Аудит» фанлари бўйича мустақил иш жараёнида аудиторлик фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий асосларини ўрганадилар, тавсия этилган адабиётлар билан яқиндан

танишадилар, алоҳида масалалар бўйича эса ёзма ахборот (реферат)лар тайёрлайдилар.

Талабалар «Аудиторлик текширувининг якуний босқичи» мавзуси саволларини мустақил равишда қуйидаги тартибда ўрганадилар:

- мавзу бўйича маърузанинг мазмунидан фойдаланилади;
- мустақил иш саволлари тавсия қилинган меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётлар орқали ўзлаштирилади;
- назарий ва амалий машғулотларда мавзу бўйича берилган топшириқлар бажарилади;
- институт ахборот ресурс марказидаги манбалар орқали айрим савол (мавзу)нинг мазмуни ўрганилади;
- алоҳида саволлар бўйича ёзма ахборот (реферат) тайёрланади,
- муаммоли масала (савол)ни ўзлаштириш учун ўқитувчидан маслаҳат (консультация) олинади;
- қўйилган топшириқнинг ечимини топиш учун маълумотлар таҳлил қилинади;
- мустақил иш учун мўлжалланган саволларга ёзма жавоблар тайёрланади;
- мустақил равишда жадваллар, чизмалар тайёрланади ва улар амалий машғулотларда фойдаланилади.

Талаба мустақил ишга тавсия этилган мавзу ёки саволларни чуқур билиши учун, даставвал ушбу масаланинг назарий жиҳатларини махсус манбалардан ўрганади.

III. ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИНИНГ АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

Талабаларнинг мустақил ишлари учун ахборот манбалари фан бўйича ишчи дастурда кўрсатилади. Ушбу манбалар фан хусусиятидан келиб чиқиб қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- фаннинг ишчи режаси;
- фаннинг ишчи дастури;

- мустақил иш учун тавсия қилинган саволлар;

- мустақил равишда бажариладиган ёзма ахборот (реферат)ларнинг мавзулари ёки саволлари;

- талабаларнинг мустақил ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар;

- меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар;

- ўқув адабиётлари;

- интернет маълумотлари;

- амалиёт маълумотлари.

Талабанинг мустақил иши учун асосий манба – бу ўқув адабиётлари ҳисобланади. Буларга фан бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, машқлар (масалалар) тўплами, маърузалар курси, маърузаларнинг матнлари, услубий қўлланмалар, изоҳли луғатлар, тест савол – жавоблари киради. Талабалар ушбу манбаларга эга бўлишлари ва самарали фойдаланишлари керак. Бугунги кунда фанларни чуқур ўрганишда электрон таълим ресурсларининг аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Бу соҳада электрон дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалари, виртуал лавҳалар (стендлар), ўқув фильмлари, интернет тармоғи маълумотларидан фойдаланиш юқори самара келтиради. "Аудит назарияси" ва «Аудит» фанларининг мавзуларини ўрганишда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари, Молия вазирлиги ва Марказий Банкнинг меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш ижобий натижалар беради. Қуйида "Аудит назарияси" ва "Аудит" фанларининг "Аудиторлик текширувининг якуний босқичи" мавзусининг мазмун-моҳияти, унда кўриладиган саволлар, аудиторлик текширувларининг натижаларини умумлаштириш, аудиторлик ҳисоботлари ва ҳулосаларини тузишнинг услубий жиҳатлари келтирилди. Ушбу мавзуни мустақил равишда ўрганишга қаратилган саволлар, таянч иборалар, маъруза матни мазмуни ва меъёрий хужжатлар ҳамда махсус адабиётлар келтирилди.

IV. "АУДИТ НАЗАРИЯСИ" ВА «АУДИТ» ФАНЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Талабаларнинг мустақил ишлари, уларга ажратилган вақт таълим йўналишининг намунавий ва ишчи ўқув режалари ҳамда фан дастурида ифодаланган бўлади. Ишчи ўқув дастурида ҳар бир мавзу бўйича мустақил ўрганишга мўлжалланган саволлар, уларни ўзлаштириш тартиби батафсил келтирилади. Талабалар «Аудит назарияси» ва«Аудит» фанлари бўйича мустақил иш жараёнида аудиторлик фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий асосларини ўрганадилар, тавсия этилган адабиётлар билан яқиндан танишадилар, алоҳида масалалар бўйича эса ёзма ахборот (реферат)лар тайёрлайдилар.

Талабалар «Аудиторлик текширувининг якуний босқичи» мавзуси саволларини мустақил равишда қуйидаги тартибда ўрганадилар:

- мавзу бўйича маърузанинг мазмунидан фойдаланилади;
- мустақил иш саволлари тавсия қилинган меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётлар орқали ўзлаштирилади;
- назарий ва амалий машғулотларда мавзу бўйича берилган топшириқлар бажарилади;
- институт ахборот ресурс марказидаги манбалар орқали айрим савол (мавзу)нинг мазмуни ўрганилади;
- алоҳида саволлар бўйича ёзма ахборот (реферат) тайёрланади;
- муаммоли масала (савол)ни ўзлаштириш учун ўқитувчидан маслаҳат (консультация) олинади;
- қўйилган топшириқнинг ечимини топиш учун маълумотлар таҳлил қилинади;
- мустақил иш учун мўлжалланган саволларга ёзма жавоблар тайёрланади;
- мустақил равишда жадваллар, чизмалар тайёрланади ва улар амалий машғулотларда фойдаланилади.

Талаба мустақил ишга тавсия этилган мавзу ёки саволларни чуқур билиши учун, даставвал ушбу масаланинг назарий жиҳатларини махсус манбалардан ўрганади.

Маъруза мавзуси: Аудиторлик текширувининг якуний босқичи

Ажратилган жами соатлар – 6 соат, шундан: маърузага – 2 соат, амалий машғулотга – 2 соат, мустақил ишга – 2 соат.

Маърузанинг мақсади: талабаларга аудиторлик текширувининг якуний босқичи, унинг умумлаштирилиши ва расмийлаштирилиш тартибни ўргатишдан иборат.

Маъруза режаси

Кириш

1. Аудиторлик текширувлари натижаларини умулаштириш
2. Ички аудит натижаларини расмийлаштириш
3. Ташқи аудит натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси

Хулоса

Мустақил иш учун саволлар

1. Аудиторлик ҳисоботларига қўйилган талаблар
2. Аудиторлик хулосаларининг мазмуни
3. Аудит натижаларини тадбиқ этиш

Таянч иборалар

Аудит натижасини умулаштириш тартиби

Далолатномалар

Маълумотномалар

Ёзма тушунтириш хатлари

Ички аудит натижаларини расмийлаштириш

Ички аудит натижалари бўйича йиғма ҳисобот

Ташқи аудит натижаларини расмийлаштириш

Аудиторлик ҳисоботи

Аудиторлик ҳисоботининг таркиби

Аудиторлик хулосаси

Аудитрлик хулосасининг турлари

Аудитрлик хулосасини тузиш

Ижобий аудиторлик хулосаси

Салбий аудиторлик хулосаси

Аудиторлик хулосасини тақдим этиш

Кириш

Мавзунинг долзарблиги:

- Аудитролик текширувларининг самарадорлиги унинг якуний босқичигда ўз ифодасини топади
- Якуний босқичда ички ва ташқи аудиторлик текширувларининг натижалари умумлаштирилади ва расмийлаштирилади
- Аудит натижалари тўғри ва асосли умулаштирилиши керак
- Ички ва ташқи аудит натижаларини тўғри расмийлаштирига қараб бошқарув қарорлари қабул қилинади. Аудит натижаси амалиётда тадбиқ этилади.
- Қабул қилинган қарорлар аудиторлик текширувида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга қаратилган бўлади.
- Аудит натижалари аудиторлик ҳисоботлар ва аудиторлик хулосаси билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар тўғри тузилган, корхона фаолиятига асосли баҳо берилган бўлиши керак.
- Махсус адабиётларда ички аудитнинг натижаларини расмийлаштириш тўлиқ ёритилмаган, эътибор, кўпроқ ташқи аудит натижаларини расмийлаштиришга қаратилган.
- Амалийтда аудиторлик хулосаларининг мазмуни чуқур ифодаланмаган.

- Мазкур мавзу орқали талабларнинг касбий маҳорати ошади.

1-савол. Аудиторлик текширувлари натижаларини умумлаштириш

Аудиторлик текширувлари натижалари маълум тартибда умумлаштирлиб берилиши керак. Аудит натижаларини умулаштириш деганда, бизнинг фикримизга ҳар бир аудит тури ва объектлари бўйича текшириш босқичларини маълум тартибда расмийлаштириш тушунилади.

Аудит натижаларини умулаштиришда қуйидагиларга эътибор берилиши керак:

- аудитнинг турига (ички ёки ташқи аудит, мажбурий, ташаббус тарздаги, махсус топшириқлар бўйича аудиторлик текширувларни ўтказиши);
- аудит объектларига эътибор бериш (пул маблағларининг аудити, мажбуриятларнинг аудити, молиявий натижалар аудити, импорт-экспорт операцияларнинг аудити ва ҳоказо);
- аудиторлик хизматларини кўрсатиш.

Аудиторлик текширувлари (ҳам ички, ҳам ташқи аудиторлик текширувлари) маълум тартибда, кетма-кетликда умумлаштирилиб расмийлаштирилиши керак. Ушбу жараёнларнинг натижалари қуйидаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади (1-расм):

Аудиторлик текширувнинг самарадорлиги нафақат унинг сифатли ўтказилишига, балким аниқланган натижаларни ўз вақтида умумлаштирилиши ва расмийлаштирилишига ҳам бевосита боғликдир. Аудит натижалари ижобий ёки ижобий бўлмаслиги мумкин. Лекин, бундай хулоса аудитор томонидан асосли далиллар билан исботланган бўлиши керак. Аудитор

шартномага асосан қўйилган мақсад ва вазифаларни тўлиқ бажариши учун текширув ўтказишнинг турли усуллари ва шаклларидан кенг фойдаланади. Унинг асосий эътибори текширилаётган объектнинг қонун-қоидаларга мос келаши ёки келмаслигини исботлашга каратилган бўлади. Шу мақсадларда



1-расм. Аудит натижаларини умумлаштириш

аудитор текширув жараёнини умумлаштирувчи ва аниқланган камчиликларни акс эттирувчи маълум ҳужжатларни тузади. Ушбу ҳужжатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: далолатномалар, маълумотномалар, тушунтириш хатлари, қайдномалар ва билдиришномалар билан бошқа ҳужжатлар.

Далолатномалар аудит жараёнида аниқланган камчиликлар бўйича тузилади. Мисол учун, ишлаб чиқариш корхонасидаги хом ашёларнинг сифати текширилганда уларнинг бир қисми фойдала-нишга яроқсиз деб топилган бўлса (фойдаланиш муддати ўтган ёки уларнинг сифати стандарт талабларига мос келмаган ҳолларда). Бундай операциялар аудиторнинг бевосита иштирокида ёки

махсус комиссия таркибида кўриб чикилади ва далолатномалар билан расмий-лаштирилади.

Маълумотномалар текшириш жараёнида қонун-қоидаларнинг бузилмаганлиги, корхонада фаолият юритиш қабул қилинган мезонларга мос келганда тузилиши мумкин. Мисол учун, аудитор савдо фирмасига қарашли бир нечта чакана савдо шахобчаларида товарларнинг нархини еки савдо қоидаларига риоя қилинишини текширганда чекланишлар чиқмаган бўлса бундай натижа махсус маълумотнома билан расмийлаштирилиши мумкин.

Аудит жараёнида текширилаётган объект бўйича қонун-қоидаларнинг бузилиш сабаблари корхона рахбари ёки бошқа мансабдор шахсларга тааллукли бўлиши мумкин. Мисол учун, аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини текшириш жараёнида ҳисоб сиёсати талаблари бузилганлигини аниклади. Бунга сабаб корхона раҳбарининг нотўғри бошқарув қарорларини қабул қилганлиги исботланди. Бундай ҳолда аудитор мансабдор шахсдан **ёзма тушинтириш** олишга ҳақлидир. Ноқонуний операцияларни тасдикдовчи ҳужжатлар самарасиз соҳаларга молиявий сармоялар жалб килинганда, истиқболсйз мол етказиб берувчилар билан шартномалар тузилганда, кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тарифларга нисбатан кўп микдорда пул тўланганда ҳам расмийлаштирилади. Мансабдор шахслар томонидан қонунбузарлик ҳоллари билиб туриб ёки билмасдан содир этилган бўлиши мумкин. Корхона раҳбарининг билиб туриб қонунбузарликка йўл кўйиши маълум мақсадлар ва манфаатларга қаратилган бўлади. Билмасдан қонун-қоиданинг бузилиши раҳбар ёки мансабдор шахснинг тажрибасиз-лигидан, малакасининг етишмаслигидан келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолларда аудитор ёзма тушунтириш олади ва ноқонуний операциянинг келиб чиқиш сабабларни, етказилган зарарларнинг микдорини аникдайди.

Пул маблағлари, ҳисоб-китоб операцияларини текшириш жараёнида бир-биридан фарқ қилувчи ноқонуний операциялар аниқланган бўлиши мумкин. Мисол учун, режадан ортиқча ишлаб чиқарилмаган тайёр

SAMARQAND
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

маҳсулотлар учун қўшимча иш хақи ҳисобланганда ёки дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўлган корхоналар билан ҳисоб-китоблар олиб борилганда **махсус қайдномалар** тузилади.

Аудитор аудит бошлашдан олдин ёки аудит жараёнида текширилаётган юридик шахс билан алоқадор бўлган корхона ва фирмаларга, банк муассасасига маълум мазмундаги ёзма билдиришномаларни юборади. Мисол учун, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ҳаққонийлигини, банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг тўғрилигини билиш мақсадида **ёзма сўровномалар** юборилади.

Шундай қилиб, аудит жараёни ва натижалари маълум тартибда умумлаштирилади ва расмийлаштирилиб борилади. Ушбу хужжатлар, бир томондан аудиторнинг исботини таъминласа, иккинчи томондан эса аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузишга асос бўлади, уларнинг ошкаралалиги таъминлайди.

2 савол. Ички аудит натижаларини расмийлаштириш

Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит, ички аудиторлик хизмати қабул қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида ўтказилади. ("Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом" талаблари бўйича).

Ички аудиторлик хизматининг асосий вазифаси корхоналарда жорий фаолият давомида қабул қилинган қонун – қоидаларга тўлиқ амал қилишини, ички имкониятлардан тўғри фойдаланишни, бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитнинг тўғри юритишини тамъминлашга қаратилган.

Ички аудит натижалари махсус " Йиғма ҳисобот" шаклида расмийлаштирилади. Ҳисобот ҳар чоракда тузилади ва йил бўйи умулаштирилиб боради. Ушбу ҳисоботда ўтказган текшириш натижалари маълум йўналишлар бўйича акс эттирилади (2-расм).

Ички аудит натижалари бўйича йиғма ҳисобот икки қисмдан иборат (3-расм).



2-расм. Ички аудит натижаларини текшириш бўйича ҳисобот мазмуни



3-расм. Ички аудит бўйича ҳисоботнинг таркиби

Ички аудит бўйича йиғма ҳисобот текширувчи ходим ёки ички аудиторлик хизмати раҳбар томонидан тузилади, имзоланади ва корхона кузатув кенгашига тақдим этилади. Корхона кузатув кенгаши ҳар чоракда тузилган ушбу ҳисоботларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди. Ҳисоботдаги

аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Ички аудит хизмати ходимлари ушбу чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиб борадилар.

Ички аудит натижалари бўйича ҳисоботлар АФМС талаблари асосида тузилади ва фойдаланади.

3 савол. Ташқи аудит натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш

Ташқи аудит натижалари белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Ушбу масалалар "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун (18-модда) ва аудит стандартларида ўз ифодасини топган. «Аудиторлик ҳисоботи-аудиторлик текширувнинг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибдан четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотлардан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорга, қатнашчилари (акциядорлар)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат»дир. Мазкур ҳужжат титул, кириш, асосий қисм ва хулосалардан иборат бўлиб унда аудиторлик ташкилот, аудит ўтказилган юридик шахс, аудит объектлари, текшириш натижалари, тавсиялар ва хулосалар акс эттирилган бўлади.

Корхоналарда ташқи аудит натижалари бўйича ҳисоботнинг мазмуни қуйида келтирилган (4-расм):

Ҳисоботнинг асосий қисмида шартнома бўйича аудит объекти, текшириш муддатлари ва текширув натижалари ифодаланади. Текшириш объектлари

ҳисоботда маълум кетма-кетликда акс эттирилади. Аудит жараёнида аниқланган ноқонуний операциялар, уларнинг исботи аудит натижаларини умумлаштиришга асос бўлган ҳужжатлар бўйича ифодаланади. **Ҳисоботда қонундан чекланишлар ва қонунбузарликдан келиб чиққан зарарлар, суистеъмол ҳоллари қуйидаги тартибда акс эттирилади:**



4-расм.Аудиторлик ҳисоботининг таркиби

- «мансабдор ёки моддий жавобгар шахс қандай ҳужжатни бузган» (қонунни, фармонни, низомни, буйруқни ва ҳ.к.);
- «ким қонун-қоидани бузган ёки унга итоат этмаган» (раҳбар, бош бухгалтер, бўлим бошлиғи, моддий жавобгар шахс); «қонун-қоида қачон бузилган» (қонун бузилган давр, сана);
- «қонун-қоида қандай ҳолда бузилган» (қонунбузарлик шакли: якка ҳолда ёки кўпчилик билан);
- «ноқонуний операциялар қандай аниқланди» (текширув жараёнида қўлланилган аудит усуллари);

- «қонунбузарлик сабаблари нималардан иборат эди» (қонунбузарликнинг келиб чиқишига таъсир этган омиллар);
- «қонунбузарлик ёки қонунчиликка амал қилмасликнинг натижалари, оқибатлари» (келтирилган зарарлар миқдори, қонунбузарликнинг ижтимоий хавфлилиги).

Аудиторлик ҳисоботининг тавсиялар ва хулосалар қисмида текшириш натижасида аникланган камчиликларни бартараф қилиш, ҳисоб ва ҳисоботни яхшилашга, хўжалик юритувчи субъект фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар берилади. Аудитор ҳисоботни тузишда ҳуқуқий мазмунга эга бўлган тушунчалар, яъни «ўзлаштириш», «суистеъмол», «талон-тарож» каби сўзларни ишлатилмаслиги керак. Текширув натижа-ларига бундай мазмунда баҳо бериш аудиторнинг ваколатига кирмайди (бундай хулосаларни суд органлари чиқариши мумкин, холос).

Аудиторлик ҳисоботи аудитор (аудиторлик гуруҳи раҳбари) томонидан тузилади ва аудиторлик ташкилоти (фирмаси) раҳбари томонидан тасдикданади. Ушбу ҳужжат аудиторлик текширув ўтказиш бўйича тузилган шартномани тасдиклаган буюртмачига тақдим этилади. Агар аудиторлик текшируви ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар (суд, прокуратура) топшириғига биноан ўтказилган бўлса у ҳолда аудиторлик ҳисоботи уларга ҳам тақдим этилади.

Аудиторлик ҳисоботидаги ахборотлар маҳвий бўлиб учинчи шахсга ошкора қилинмайди. Ҳисоботнинг ҳар бир бети текширув ўтказган аудитор томонидан имзоланган бўлиши керак. Аудитор-лик ҳисоботининг шакли ва мазмуни аудит объекти, кўйилган мақсад ва вазифаларга бевосита боғлиқ бўлади. Ҳисоботдаги маълумотлар аудиторлик хулосасини тузишга асос бўлади.

Аудиторлик хулосаси аудиторлик текшируви натижасини ифодаловчи якуний ва энг муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Аудиторлик хулосаси аудит объектларининг қабул қилинган қонун-қоидаларга монандлиги бўйича аудиторнинг ёзма шаклда ифодаланган муносабатидир. Ушбу ҳужжат аудиторлик ҳисоботига асосан тузилади. Аудиторлик хулосасининг ҳисоботдан фарки шундан иборатки, ушбу ҳужжатда аудит натижалари бўйича фақат хулоса берилади, холос. Унда қисқа мазмунда аудит объекти, аудитни ўтказувчи шахс (шахслар), аудитнинг асосий мақсади ва натижалари ифодаланади. Аудиторлик хулосасида текширув жараёнидаги ноқонуний операциялар туфайли келиб чиққан ёки келтирилган зарарларнинг сабаблари, шароитлари батафсил кўрсатилмайди (улар аудиторлик ҳисобтида кенг ифодаланган бўлади). Аудиторлик ҳулосаси мазмани қуйида келтирилди (5-расм).



5-расм. Аудиторлик хулосасининг таркиби

Аудиторлик ҳисоботининг тури ва мазмуни аудит объекти, текширув натижаларига бевосита боғликдир. Махсус адабиётларда ва аудит амалиётида аудйторлик хулосасининг қуйидаги турлари ифодаланган.

- шартсиз ижобий хулоса;
- шартли ижобий хулоса;
- салбий хулоса;
- ўз фикрини билдирмасдан хулоса бериш.

Аудит натижаси бўйича сўзсиз ижобий хулоса корхона фаолиятида қабул қилинган қонун-қоидаларга, ҳисоб сиёсатига ҳамда солиқ кодекси талабларига тўлиқ риоя қилинганда берилади. Шартли ижобий аудиторлик хулосаси корхона фаолиятида айрим қонун-қоидалардан чекланиш ҳоллари аниқланганда, лекин улар хўжалик юритувчи субъектнинг умумий ҳисоб сиёсатига ҳамда молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмаганда берилади.

Аудит натижасида салбий мазмундаги хулоса корхона фаолиятида қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилинмаслик туфайли тузилган молиявий ҳисобот, унинг жорий ҳисоб маълумотларига монанд эмаслиги натижасида берилади.

Аудитор (ёки аудиторлик ташкилоти) аудит натижаларидан тўлиқ қониқиш олмаган ҳолларда ўз фикрини билдирмасдан хулоса бериш мумкин. Бундай мазмундаги хулосани беришга қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлади мумкин: аудит жараёнида аудиторга турли йўллар билан тазийқ ўтказилган бўлса ёки аудиторга керакли маълумотлар тўлиғича тақдим этилмаган бўлса, аудиторда корхона ҳисоб сиёсати бўйича айрим шубҳалар туғилган тақдирда.

Мамлакатимизда амал қилинаётган қонун-қоидадларга асосан аудиторлик хулосаси икки турга бўлинади: ижобий аудиторлик хулосаси ёки салбий аудиторлик хулосаси.

Ўзбекистон Республикаси аудит миллий стандартларининг 70-сонли - «Молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси» стандартида қуйидаги ҳолда ижобий хулоса берилиши кайд қилинган: текширилган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисобота асосли тузилган бўлса ва корхона-нинг молиявий ҳолатани тўғри акс эттирса, хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос келган ҳолларда.

Аудит жараёнида хўжалик юритувчи субъект фаолиятида жиддий камчиликлар аниқланганда, молиявий ҳисобот тўғри тузилмаганда ёки

амалдаги қонунчиликка мос келмаганда салбий аудиторлик хулосаси берилади.

Аудиторлик хулосаси камида уч нусхада тузилади ва унинг иккитаси буюртмачига тақдим этилади. Юқоридагиларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкинки халқаро ва мамлкатимиз амалиётида аудиторлик хулосаларининг бир канча турлари қўлланилиб келинмоқда.

Халқаро амалиётда аудиторлик хулосаси тўрт хил бўлади (6-расм).

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилоти (аудитор) томонидан тузилиб хукукий хужжат ҳисобланади. Хулосада текшириш натижалари бўйича аудиторнинг муносабати билдирилган бўлади. Аудиторлик хулосаси маълум тартибда расмийлаштирилади ва тасдиқланади. Ушбу хулоса шартномадаги муддатларга ҳамда аудитнинг якунланишига қараб имзоланади. Хулоса имзоланган кундан бошлаб унга ўзгартиришлар



6-расм. Хорижда аудиторлик хулосасларнинг турлари

киритиш мумкин эмас.

Ўзбекистон амалиётида аудиторлик хулосаси икки хил бўлади (7-расм)

Ижобий аудиторлик хулосасининг мазмуни ишда келтирилди.

Амалиёт билан яқиндан танишиш ва тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик ҳисоботлари ва



7-расм. Ўзбекистондаги аудиторлик хулосалари турлари

хулосаларида маълум камчиликлар мавжуд. Уларни қуйидагича ифодалаш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

Аудиторлик ҳисоботлари ва хулосаларида учрайдиган айрим камчиликлар

№	Хато-камчиликларнинг тури	Хато-камчиликларнинг оқибати
1	Ички аудит бўйича ҳисоботлар умумий мазмунда тузилади	Ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмайди, назорат суссаяди
2	Ташқи аудит бўйича ҳисоботларда камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари тўлиқ келтирилмайди	Хато-камчиликларнинг олдини олиш қийинлашади
3	Аудиторлик хулосалари корхонанинг бухгалтерия ҳисобидаги маълумотларга асосан қилинганлиги эътироф этилади, холос	Камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқ келтирилмайди
4	Халқаро аудиторлик хулосаларининг бошқа турларига тўлиқ ўтилмаган	Аудитнинг халқаро амалиётига тўлиқ ўтилиши қийин кечади

Аудиторлик текширувлари натижасида корхонада махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, мавжуд камчиликлар бартараф этилади.

Тавсия этилган меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни, 2000 йил 26 май (Қўшимча ва ўзгаришлар билан).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги (615-сонли) қарорига билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида Низом»

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги (215-сонли) қарори билан тасдиқланган «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўтрисида Низом».

4. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – "Халқ сўзи", 2014 йил 18 январь.

5. 6- АФМС – "Аудитни ҳужжатлаштириш", 1999 йил 4 августда ЎзР Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган (3 сентябрда Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган).

6. 70-АФМС – "Аудитрлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот ҳақидаги аудиторлик хулосаси", 2001 йил 14 февралда ЎзР Молия Вазирлиги томонмдан тасдиқланган (10 мартда Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган).

7. 80-АФМС – " Махсус масалани текшириш натижаси бўйича аудиторлик ҳисоботи", 2003 йил 27 январда ЎзР Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган (19 февралда Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган).

8. 90-АФМС –"Аудиторлик ташкилотларнинг профессионал хизматлари ", 2001 йил 14 февралдаЎзР Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган (10 мартда Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган).

9. Аудит. 1-2 том. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциациясининг Нашриёт-маълумот Маркази, 2010 йил.

10. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. /Дарслик.-Т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003,500-518 бетлар (15-боб. Аудиторлик текширувларини якунлаш, аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси)

11. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. / Дарслик.-Т.: "Молия". 2003. 162-168 бетлар (X-боб "Аудиторлик натижаларини умулаштириш ва расмийлаштириш".)

12. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. Т.:Укитувчи, 2004.

13. **Сайт ва электрон почталар**

http:// www.apb.org.uk (Auditing Practices Board)

http:// www.nao.gov.uk (UK National Audit Office)

http:// www.iia.org.uk (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)

http:// www.iasc.org.uk (International Accounting Standards Committee)

http:// www.aicpa.org/index.htm (American Institute of Certified Public Accountants)

sismoilov.rambler.ru

www.uza.us.apb (ЎМА турли соҳаларга доир кундалик янгиликлари)

www.cer.uz (Иқтисодий изланишлар маркази)

www.pravo.eastink.uz (Иқтисодий қонунлар тўплами)

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3

I. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ.....5

II. "АУДИТ НАЗАРИЯСИ" ВА «АУДИТ» ФАНЛАРИ МАВЗУЛАРИНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....7

III. ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИНИНГ АХБОРОТ МАНБАЛАРИ.....8

IV. "АУДИТ НАЗАРИЯСИ" ВА «АУДИТ» ФАНЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ 10

V. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ.....15

VI. ИЧКИ АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ.....18

VII. ТАШҚИ АУДИТ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТОИ ВА ХУЛОСАСИ.....20

VIII. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....27

ҲАСАН МУСАЕВ

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИНГ ЙЎКУНИЙ БОСҚИЧИ

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Ўқув-услубий нашр.

Самарқанд шаҳар,
Шохрух кўчаси, 60
Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти
босмахонаси

Буюртма № 25
Қоғоз бичими: 60/84
Ҳажми 2.0 б.т.
Адади 30 дона

65.9(2)2
M916